

ISSN 2181-9238

GOLDEN SCRIPTS

OLTIN BITIGLAR

2018 Vol.1

www.navoiy-uni.uz

МУНДАРИЖА

OLTIN BITIGLAR

BOSH MUHARRIR

Shuhrat Sirojiddinov

TAHRIR HAY'ATI

Abdirashidov Zaynobiddin

Nazarov Baxtiyor

Boboyorov G'aybulla

Ertugrul Yaman (Turkiya)

Erkinov Aftondil

Isa Habibeyli (Ozarbayjon)

Jo'raboyev Otabek

Karimov Naim

Kerimli Teymur (Ozarbayjon)

Oh Eunkyung (Koreya)

Mirzayev To'ra

Onal Kaya (Turkiya)

Sataru Kimita (Yaponiya)

Sodiqov Qosimjon

Turdimov Shomirza

Vahit Turk

Jabborov Nurboy

Almaz Ulvi

Zohidov Rashid

Yusupova Dilnavoz

EDITOR IN CHIEF

Shuhrat Sirojiddinov

EDITORIAL BOARD:

Abdirashidov Zaynobiddin

Nazarov Baxtiyor

Boboyorov Gaybulla

Ertugrul Yaman (Turkiya)

Erkinov Aftondil

Isa Habibeyli (Ozarbayjon)

Juraboyev Otabek

Karimov Naim

Oh Eunkyung (Koreya)

Mirzayev Tura

Onal Kaya (Turkiya)

Sataru Kimita (Yaponiya)

Sodikov Qosimjon

Turdimov Shomirza

Шухрат Сирождидинов,

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети ректори,

филология фанлари доктори, профессор

e-mail: shsirojiddinov1961@gmail.com

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Азиз дўстлар!

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши халқимизнинг азалий орзуси бўлган ўзбек тили ва адабиётини халқаро миқёсда нуфузини таъминлаш, шу билан бирга, унинг бой сиёсий тарихи, фалсафаси, санъати ва маданиятининг тараққиёт босқичлари тарихини чуқур ўрганиш учун етук мутахассисларни, юксак малакали илмий ходимларни тайёрлаш масалаларида катта имкониятлар эшигини очди.

Бугун университет профессор-ўқитувчилари, докторант ва магистрларининг илмий изланишлари савияси янгича ёндашувлар, халқаро илмий ҳамкорлигимизнинг самарали натижаси ўлароқ, кишини қувонтирар даражада юксалиб бормоқда. Журнал уларни дунёга таништиришда минбар бўлишига шубҳа йўқ.

“Олтин битиклар” ўз номи билан халқимизнинг тарихи, илмий-адабий, ижтимоий-маданий ҳаёти тарихига оид бебаҳо манба ва матнлар ҳақида маълумот бериш, улар устида олиб борилаётган дақиқ тадқиқот натижаларини халқаро миқёсда илмий жамоатчиликка тақдим этиб боришни ўзининг бош вазифаси деб билади.

Ўйлайманки, журнал тез вақт ичида ўз мухлисларини топади ва илм дунёсида юқори нуфузга эга бўлган илмий нашрлар сафидан ўрин олади.

Мамлакатимиз ва хориждаги олимларни журналимиз фаолиятида кенг иштирок этишга чорлаб қоламан.

“Олтин битиклар” илмий журналининг илк сони сизга муборак бўлсин!

Бош муҳаррир

АЛИШЕР НАВОИЙ ДАҲОСИ

Abstract

Alī Shīr Navāʿī composing more than one hundred thousand poetical lines, he was among the fewest of the world poets who were able to create in 20 poetical genres. He tirelessly fought for the rights of the native language without belittling the dignity of Arabian and Persian, dominating not only in science and literature, but also in political life.

Alongside with his devotion to the Turkic poetry, Navāʿī did much for the development of the Persian poetry. He was the owner of a large estate. He donated all his wealth

ги бағрикенглик, адолатлилик, донолик, сиёсатдонлик ва фуқароларга ғамхўрлик фазилатлари Султонга давлатни адолатли бошқаришда яқиндан ёрдам берган. Шунинг учун ҳам Султон Навоийни дўст сифатида бениҳоя улуғлади ва қадрлади. Ҳар қандай шароитда ҳам уни ёнидан узоқлаштирмасликка ҳаракат қилди. Уларнинг бирга бўлиши давлатни мустаҳкамлаш, адолат ўрнатиш, ҳар соҳада, жумладан, тил, маданият, санъат, илм-фан соҳаларини ривожлантириш билан бирга, давлатнинг мудофаа қудрати, халқаро обрў-эътиборини оширишга хизмат қилди. Ҳазрат Навоий гарчи ҳаётининг мазмунини ижод қилишда деб билса ҳам, давлат ва халқ манфаатини ўйлаб, халқ осудалиги йўлида Султон ёнида туриб муҳим давлат ишларини бажарди. Навоий Амири кабир – бош вазир сифатида узоқ йиллар давлат бошқарувининг энг муҳим ва нозик бўғинларида, суд-адлия, ички ишлар, солиқ тизими, ташқи дипломатик алоқалар, ички низолар, чегара муаммолари, умумхалқ йиғинлари ва тадбирларида давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштирди ва ҳимоя қилди. Ҳазрат Навоий давлат хизматини мансаб ва обрў учун эмас, балки миллат қадриятларини тиклаш ва бутун дунёга тан олдиришдек улкан вазифани амалга ошириш учун бир имконият ва восита деб билди.

Буюк шоир

Алишер Навоий ўзининг гуманистик ғоялари, бадиий-фалсафий қарашлари, ўлмас шеърӣ асарлари билан инсоният тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшди. Унинг адабий мероси ниҳоятда улкан ва серқирра. Шарқ адабиётининг деярли тўлиқ 20 жанрида ижод этган, жами шеърӣ сатрлари 100000дан ортиқ бундай шоир жаҳон адабиё-

тида санокли десак, асло муболаға бўлмайди. Инсонни ҳар томонлама етук, баркамол ва бағрикенг, юртни тинч ва обод қўриш, раият тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, турли халқларни ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликка, эзгу мақсадлар йўлида ҳамкорликка чақириш – мутафаккир ижодининг асосий лейтмотивини ташкил этади. Беш дostonдан иборат “Хамса”нинг ўзиёқ унинг даҳоси нечоғлик юксак эканлигини кўрсатиб туради. Унинг қаламига мансуб ғазаллар ва қасидалар, и

да, таърих каби жанрлар ва бадий санъатларни тиклашга алоҳида эътибор берди. Абдурахмон Жомий Навоийнинг форс адабиёти шеърий анъаналарини сақлаб қолиш бора-сидаги уринишлари ҳақида ёзади:

3 чарх офаринҳо бар он килк бод!
Ки ин нақш-и матбуъ аз ин килк зод.
Бебахшид бар форси гуҳар он,
Ва назм-и дари дурр-и назмоварон⁵.

Буюк саховатпеша ва илм-фан ҳомийси

Алишер Навоий катта мол-мулк эгаси бўлишига қарамай, ниҳоятда камтарона турмуш кечирди. У 1481 йилда ўзининг бор мол-дунёсидан воз кечиб, хайрия, яъни вақф мулк-ини ташкил этди. Унинг асосини ташкил этган мулкдан тушган даромад тўлиқ таълим муассасалари ва мусофирхоналар, дарвишлар, қаландарлар, оч-юпун ва камбағал мухтожлар, етим-есирларнинг эҳтиёжини қоплаб туришга қаратилди. У қурдирган Халосия хонақосида ҳар куни мингдан ортиқ фақир ва мискинларга ош берилиб, лазиз таомлар билан тўйдирилган. Ҳар йили мухтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тоқия ва кафш улашилган. Машҳадда Имом Ризо боғида Дор ул-хуффоз қурдириб, ёнида ҳар куни мухтож, заиф ва етимларга овқат бериш учун махсус уй солдирган⁶. Бошқа бир қисми илм-фан ва адабиётни ривожлантиришга сарфланди. Навоийнинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб олимлар тадқиқот ишларини олиб бордилар, тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилди, тасвирий санъат усталарининг ишига алоҳида эътибор берилди. Тарихчи Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ» асарида Навоий

рахбарлиги ва ҳомийлиги остида яратилган йигирмага яқин муҳим илмий тадқиқот номи ва уларнинг муаллифлари ҳамда унинг моддий кўмаги ёрдамида ижод этган шоир ва илм аҳли рўйхатини келтирган. Ҳиротда Навоийнинг шахсий ташаббуси ва маблағи билан Халосия, Шифоия, Низомия каби бир неча мадраса ва хонақоҳлар қурилиб, уларда машҳур олимлар дарс бериш ва илм билан шуғулландилар. Навоий замондошлари унинг қурдирган хайрия би

билан аталиши шоир шахсига бутун инсоният эҳтироми рамзидир. Мутафаккир асарларида адолат ва инсоф, сабр ва қаноат, эзгулик ва саховат, меҳр ва мурувват қанчалик улуғланса, кибр ва ҳаво, тама ва манманлик билан боғлиқ иллатлар шу даражада қораланади. Навоий фикрича, нафсоний лаззатларга берилиш, ҳаёт мазмунини фақат шахсий манфаатларни қондиришдан иборат деб билиш инсонни тубанлаштиради. Илм ўрганиш – камолот сари интилишнинг асосий воситасидир. Илм орқали инсон борлиқнинг мазмуни, ҳаётнинг моҳияти ва умуминсоний қадриятларнинг азалийлиги ҳақида мулоҳаза юритади, уларни тажрибадан ўтказиш орқали ҳақиқатни идрок этади ва зиммасидаги бош вазифа – моддий олам учун масъулик, табиат ва жамиятни тараққий эттириш бур-

чини тушуниб этади. Ушбу масъулият ва вазифа инсонни ер юзиде кечаётган барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа жараёнлар, инсоният тақдирига ҳавф туғдирувчи омилларга лоқайд бўлмаслик, эзгулик ҳукмронлигига эришув учун курашга чорлайди. “Эзгулик энг улуғ ишдир, – дейди Навоий. – Бутун дунё халқлари олдида исботланган ҳақиқат шуки, эзгуликнинг мукофоти эзгуликдир. Эзгуликни ўзингга шиор қил ва уни абадий бахтнинг гарови деб бил. Одамгарчиликнинг энг қиммат гавҳари эзгуликдир.” Алишер Навоий умуминсоний қадриятларни баралла куйлаган ва ўлмас ғоялари билан бугунги давримизда ҳам бутун инсоният учун қадри бўлган улкан сўз санъаткори ва мутафаккиридир. Ўзбек халқи ўзининг буюк аждоди билан ҳақли равишда фахрланади.



ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуррахман Джами. Хираднома-и Искандари, Критический текст и предисловие Г.Тарбията. Москва: ГРВЛ, 1984, 499.
2. Навоий, Алишер. Хамса: Сабаъи сайёр, ТАТ, 7-жилд, Тошкент: Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2011.
3. Навоий, Алишер. Хамса: Фарҳод ва Ширин. ТАТ, 6-жилд. Тошкент: Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2011.
4. Навоий, Алишер. Хамса: Садди исқандарий. ТАТ, 8-жилд. Тошкент: Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2011.
5. Навоий, Алишер. Маҳбуб ул-қулуб, ТАТ. 9-жилд

Ey, mushaf-i ruxsāriḡ azal xattidin inšā,

Debāca-yi husnuḡ abad nuqtasi tuḡrā, – бўлган 3-ғазал охиридан бит-та аввалгисидир. Қўлёзмада ғазал боши келтирилмаган. Демак, “Арбаин” ва “Бадоеъ ул-бидоя” ўртасидаги варақлар тушган. Афтидан, “Бадоеъ ул-бидоя”нинг дебочаси ва бир нечта ғазал ҳам бизга номаълум сабабларга кўра қўлёзмадан тушган. Бу нусхадаги “Арбаин” асари 19-ҳадис ва унга ёзилган рубоий билан тугаган¹⁹. Қўлёзма сўнгида, одатда, “Бадоеъ ул-бидоя”ни тугалловчи байт келтирилган:

Сел йўлида фано даштида
мужгоним эмас,
Кўз алочуқларининг дуд егон
йқлари дур
Sel yolida fanā daštida mujgānim
emas,
Koz alāčūqlariniḡ dud yegān
oqlaridur.

[Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Туркия: 161-кадр].

“Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул қўлёзмасида унинг бошқа аксар қўлёзмаларида ёки “Бадоеъ ул-бидоя”-нинг Тошкент нашрида келтирилган мустаод, муаммо, мухаммас, мусаддас, таржибанд жанридаги шеърлар йуқ. Одатда, “Бадоеъ ул-бидоя” бу жанрлардан кейин рубоийлар билан давом этиши керак эди. Истанбул қўлёзмасида ғазаллардан кейин рубоийлар берилган. Сўнг қитъалар ва яна рубоийлар келтирилган. Истанбул “Бадоеъ ул-бидоя”си таркиби қуйидагича:

¹⁹ Қўлёзмадаги Навоий “Арбаин”идаги ҳар бир ҳадис ва унга ёзилган рубоийлар тартиби Алишер Навоий “Мукамал асарлар тўплами” 20 жилдлиги 16-жилдидагидан [Навоий, 2000] фарқ қилади.

2-жадвал “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Истанбул қўлёзмасидаги шеърлар миқдори²⁰

№	Жанр	Шеърлар миқдори ³	Кадр
1.	Ғазал	480 (?)	6-145
2.	Мустаод	–	–
3.	Мусаддас	–	–

13.	Ул куёш юзлукни ҳар тун ёд қилмоқдур ишим, Ўз-ўзумга то сахар бедод қилмоқдур ишим.	136a	9 байт
14.	Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин, Кўнглума ҳар бирининг дарди балосинму дейин?!	141a	7 байт
15.	Тирик қолсам гар ўзни базми васлинг ичра солғаймен, Фироқинг шиддатин де олмасам худ йиғлай олғаймен.	148a	9 байт
16.	Муддаийлар бетараҳҳум, ёр бепарво баче, Ҳам алар кўп зулм этарлар, ҳам бу истиғно баче.	169a	9 байт
17.	Истадим ёреки кўнглум дам-бадам шод айлағай, Билмадим жонимға бедод узра бедод айлағай.	176a	7 байт

Кузатишларимиз асосида бу ғазаллар “Наводир ун-ниҳоя”нинг 1966 йили топилган яна бир нусхаси (Қозон нусхаси)да мавжудлиги аниқланди: ушбу нусха Порсо Шамсиев томонидан қўлга киритилган, ҳозирда ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 11675 инв. рақам остида сақланади. Қўлёзма 1487 йили Ҳиротда, машҳур хаттот Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган. Унинг таркибида 840 та ғазал мавжуд, жами 149 варақча жойлаштирилган. Мазкур нусхада ҳам дебоча йўқ. Йигирма жилдлик асарлар тўпламининг “Наводир ун-ниҳоя” ўрин олган иккинчи жилди учун шу нусха асос қилиб олинганлиги айтилган [Навоий А., 1987: 5].

Машҳадий томонидан кўчирилган қўлёзма таркибида ғазалдан ташқари, яна 7 жанр борлигини

юқорида таъкидлаган эдик. Бу жанрларга мансуб шеърлар замонавий нашрларга киритилмаганлиги боис китобхонда тасаввур пайдо бўлиши учун уларнинг дастлабки байтларини қуйидаги жадвалда келтиришни лозим топдик:

Бу жанрлар таркибини ўрганиш ва уларни аввалги расмий девондаги шеърлар билан қиёслаш қуйидаги натижага олиб келди: ушбу шеърларнинг аксарияти, яъни 65 шеърдан 63 таси “Бадоеъ ул-бидоя”да ҳам мавжуд экан (5-рақам остидаги қитъа ва 4-рубойидан ташқари). Бу таажжубланарли. Чунки Навоийнинг “

12.	Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис, Савдоға ҳавойи жомии саҳбо боис.	2006	1 байт
13.	Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз, Ишқ аҳли ҳаётиға яро, эй қоракўз.	201a	2 байт
14.	Ул кўзки, даме бўлмади соғ, эй қоракўз, Қонимдин ичар мудом аёғ, эй қоракўз.	201a	2 байт
15.	Жонбахш лабинг чашмаи ҳайвонму эмас Ҳажридин анинг ичим тўла қонму эмас?	201a	2 байт
16.	Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас, Дард иставу дафъиға даво қилма ҳавас,	201a	2 байт
17.	Маҳбубқа эътимод қилмоқ бўлмас, Андин талаби мурод қилмоқ бўлмас.	201a	2 байт
18.	Ҳам савмаа кунжи шайхи таррорға бас, Ҳам шайх юзи зоҳиди ҳушёрға бас.	2016	2 байт
19.	Ул дури саминки, бор эди кўзума ёш, Айларда ажал анга жафо расмини фош.	2016	2 байт
20.	Йиллар тутубон шайх мақолотиға гўш, Не кўнглума завқ етти, не жонима жўш.	2016	2 байт
21.	Соқий, мени хор хордин айла халос, Гул-гул юзунг оч, баҳордин айла халос.	2016	2 байт
22.	Бер жому ол, эй муғбача, жонимни эваз, Қўш тутқилу, ол икки жаҳонимни эваз.	2016	2 байт
23.	Ким истаса салтанат, саҳодур анга шарт, Ҳар ваъдаки айласа вафодур анга шарт.	202a	2 байт
24.	Бу даврда йўқ сен киби хушхон ҳофиз, Ҳуффоз аро сарҳалқайи даврон ҳофиз.	202a	2 байт
25.	Ким айласа соқийи гуландом тамаъ, Илгидин анинг соғари гулфом тамаъ.	202a	2 байт
26.	Бердинг манга дайр аро иқомат, эй муғ, Туттунг қадаҳи майи маломат, эй муғ.	202a	2 байт
27.	Номанг етибон топти кўнгул иззу шараф, Ҳар лафзи бўлуб мурод дурриға садаф.	202a	2 байт
28.	Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фиروق, Жонимға балову дард ўқин урди фиروق.	2026	2 байт
29.	Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек, Ўз ҳолиға саргаштаву ҳ		

лиги ва уларнинг миқдори 400 дан ортиши, жами ғазаллар сони эса 900 атрофида эканлиги маълум бўлади. Буларнинг барчаси “Наводир ун-ниҳоя” девонининг тўлиқ ва мукамал нусхаси ҳали топилмаганлигини кўрсатади.

Ҳамид Сулаймонов шоирнинг илк расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг Навоий ҳаётлик пайтида кўчирилган нусхаларини ўрганиб чиқиб, ушбу нусхалар орасидаги шеърлар миқдори ва жанрий тафовутларни Навоийнинг шеър яратишдан бир зум тўхтамаганлиги билан изоҳлайди. Бошқача айтганда, Навоий “Бадоеъ ул-бидоя”нинг илк нусхаси тартиб берилгандан кейин “Наводир ун-ниҳоя” тузилгунча бўлган жараёнда яна кўплаб шеърлар ёзган ва котиблар уларни “Бадоеъ ул-бидоя”нинг кейинги нусхаларига пешма-пешкиритиб боришган. Шу тариқа “Бадоеъ ул-бидоя”нинг бир неча (шеърлар миқдори нусхадан-нусхага кўпайиб боровчи) нусхалари пайдо бўлган. Агар “Бадоеъ ул-бидоя”нинг 1480/81 йили кўчирилган Париж нусхасида 836 та

шеър бўлса, 1482/83 йили кўчирилган ва ҳозирда Британия музейида сақланаётган Лондон нусхасида 842 шеър мавжуд, Боку нусхаси (1484) 851 та шеърни ўз ичига олади ва 1486 йили кўчирилган нусха (Тошкент нусхаси)да 921 та шеър бор.

Бизнингча, “Наводир ун-ниҳоя”нинг XV асрда, ҳали Навоий тириклик пайтида кўчирилган нусхалари ҳам худди шундай жараёни “босиб ўтган”. Ҳозирча, нисбатан қадимий деб тахмин қилинаётган қўлёзмадан кўчирилган нусха (Душанбе нусхаси) да 598 ғазал бўлса, Машҳадий кўчирган нусхада 628 та ғазал бор, 11675 инв. рақам остида сақланаётган ва Абдулжамил котиб томонидан 1487 йили кўчирилган нусхада эса ғазаллар адади – 840 та. Қўлёзмалардаги ушбу фарқланувчи жиҳатлар, жанрий тафовутлар ва ҳақиқий дебочанинг мавжуд эмаслиги “Наводир ун-ниҳоя” девонининг Навоий назарда тутган асл ва тугал нусхаси топилмаганлигини, матншунослик олдида ҳали муаммоли ҳамда ҳал қилиниши зарур бўлган кўплаб масалалар кўндаланг турганлигини кўрсатади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Навоий Алишер. (1968). Илк девон. 1466 йил кўчирилган қўлёзманинг факсимил наشري (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон). – Т.: Фан.
2. Навоий Алишер. (2015). Оққуюнли мухлислар девони. 1471 йил кўчирилган қўлёзманинг факсимил на

хобиддин Сухравардий сингари машхур мутасаввуфларнинг номлари зикр этилгани ҳолда Аҳмад Яссавийдан олдин ёки ундан кейин Мо-вароуннаҳр ва Туркистонда яшаган

бирорта ҳам шайхнинг номи тилга олинмайди.

• Рисолабошдан-охир эски ўзбек тилида ёзилган. (Унда бирорта форсча жумла учрамайди).

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифи И.Ҳаққул). –Т.: F.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. 1991.

2. Боровков А.К. Определение языка хикматов Ахмеда Ясеви // Советское востоковедение, №5. 1948.

3. Гордлевский В.А. Ходжа Ахмед Ясеви. Изб. соч. Т. II. – М.1961.

4. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М. 2003.

5. Каталог суфийских произведений XVIII–XX вв. из собраний Института Востоковедения им. Абу Райхана ал-Бируни Академии Наук Республики Узбекистан. FRANZ STEINER VERLAG STUTTGART. Инв. №10171. 2002.

6. Köprülü F. Turk edebiyatında ilk mutasavvıflar. – Ankara. 1985.

7. Ҳасан Н. Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний. – Т.: Фан. 2001.

8. “Köprülü. Turk edebiyatında ilk mutasavvıflar. – Ankara. 1985.

9. Рустамов Э. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, №4-5. Саъдий А. Аҳмад Яссавий // Инқилоб, №2. 1922.

10. Фитрат А. Аҳмад Яссавий // Маориф ва ўқитғувчи, №6, 7, 8. 1927.

11. Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. – Тошкент. 2001.



Отабек ЖЎРАБОВ,

Матнда мақолага ҳавола:

[Фамилия нашр йили, саҳифа рақами]

[Kossinets 2009, 411]

Газета ёки илмий-оммабоп журнал учун

Газета ёки илмий-оммабоп журнал мақоласига ҳавола матн шаклида берилади (масалан, Шерл Столберг и Роберта Пеарнинг 27.02.2010 йилдаги "New York Times" даги мақоласида айтилганидек...); одатда бундай манбалар умумий адабиётлар рўйхатида келтирилмайди.

Агар online мақолага ҳавола берилаётган бўлса, унинг интернет адреси (URL), мақола олинган сана кўрсатилиши керак. Мақоланинг муаллифи номаълум бўлса, мақоланинг сарлавҳаси ҳаволада келтирилади.

Газета ёки илмий-оммабоп журнал мақоласини библиографияда бериш (биринчи қатордан бошқа барча қаторлар бир текисда абзацдан ёзилади):

Фамилия, Исм. Нашр йили. «Мақола номи». Журнал номи, нашр санаси.

Mendelsohn, Daniel. 2010. "Men haqimda yetarlicha." New Yorker, January 25.

Матнда мақолага ҳавола:

[Фамилия нашр йили, саҳифа рақами]

[Mendelsohn 2010, 68]

Электрон газета ёки илмий-оммабоп журнал мақоласини библиографияда бериш (биринчи қатордан бошқа барча қаторлар бир текисда абзацдан ёзилади):

Фамилия, Исм. Нашр йили. «Мақола номи». Журнал номи, нашр санаси. Интернет адрес

Stolberg, Sheryl Gay и Robert Pear. 2010. "Осторожно, политики ...". New York Times, 27.02. <http://www.nytimes.com/28/us/28health.html>.

Матнда мақолага ҳавола:

[Фамилия нашр йили, саҳифа рақами]

[Stolberg u Pear 2010, 68]

